



ЖАШЛИК СЎЗВИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

2 ФЕВРАЛЬ, ҚОРШАНБА. № 23 (771).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

ШВЕЙЦАРИЯДАГИ МУЛОҚОТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ УШБУ МАМЛАКАТГА САФАРИ БЕШ КУН ДАВОМ ЭТДИ



СУРАТДА: Мамлакатимиз Президентини Швейцария конфедерацияси Президентини Отто Штих билан учрашуви.

Сафарнинг биринчи кунини Президентимиз мамлакат пойтахти Бери шаҳрида бўлиб, Швейцария конфедерацияси Президентини Отто Штих жаноблари билан учрашди. Мазлумки, Отто Штих мамлакатимизда министри эканда Ўзбекистонга келиб, бизнинг Президент билан ўзаро иқтисодий, маданий, сиёсий ҳамкорлик хусусида фикрлашган эди. Штих жаноблари ўз қароргоҳида юксак мартабали меҳмонни қутлар экан, мамлакатларимиз орасидаги ҳамкорлик қўлламидан мамнунийгини изҳор этди.

«Сиз, Президент жаноблари, Давос форуми шарқи ва ғарб ўртасидаги кўприк, деб айтган эдингиз, — деб хотирлади Швейцария Президентини, — бугун сиз ана шу кўприкни мустаҳкамлаш учун катта хизматлар қиласиз». Отто Штих Ўзбекистон ташкил топган давлатлар орасида Ўзбекистоннинг довуригун жуфта тез охиб бораётганини тасдиқлади. Европада Ўзбекистонни яхши билдиридан бу бўлишди Отто Штих сўздан бу сўзларини эшитиб, танини рост, ҳаммага ҳам насиб этвермайдми. Бу гаплар шунчаки дуф эмас, тағдида ахшигина асос бор. Чунки Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги савдо-сотиқ бир йилда олдин 10 миллион долларга ҳам етмас эди. Утган йили бу рақам 86 миллиондан ошди. Энг йилда Швейцария фирмаларидан 8 таси бугун бизнинг юртимизда ўз ваколатхоналарига эга. Айниқса, банк соҳасидаги ҳамкорлигимиз мағтовга сазовор. Ҳозир мустақил Ўзбекистон давлатининг бир неча юз миллион долларга тенг активлари энг ишончли Швейцария банкларида сақланмоқ-

да. Сақлашни билан бирга соф фойда ҳам келтирмоқда. Ўзбекистон давлати бошлаган энг йирик лойиҳаларга нуфузли Швейцария банклари кредит бермоқда. Отто Штих жаноблари со-иқ СССР ўрнида ташкил топган давлатлар орасида Ўзбекистоннинг довуригун жуфта тез охиб бораётганини тасдиқлади. Европада Ўзбекистонни яхши билдиридан бу бўлишди Отто Штих сўздан бу сўзларини эшитиб, танини рост, ҳаммага ҳам насиб этвермайдми. Бу гаплар шунчаки дуф эмас, тағдида ахшигина асос бор. Чунки Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги савдо-сотиқ бир йилда олдин 10 миллион долларга ҳам етмас эди. Утган йили бу рақам 86 миллиондан ошди. Энг йилда Швейцария фирмаларидан 8 таси бугун бизнинг юртимизда ўз ваколатхоналарига эга. Айниқса, банк соҳасидаги ҳамкорлигимиз мағтовга сазовор. Ҳозир мустақил Ўзбекистон давлатининг бир неча юз миллион долларга тенг активлари энг ишончли Швейцария банкларида сақланмоқ-

вос шаҳрига етиб келди. Бу ердаги учрашувлар Швейцария давлат маслаҳатчиси Жан Паскаль Деламура билан суҳбатдан бошланди. Амалий зинарат дастури жуда тизим бўлди. Айна дастур қай тарзда амалга оширилишига қараб, бир нарсга амин бўлдики, илгари Президентимиз ўзи учрашган сиёсатчи ва иқтисодчиларга Ўзбекистоннинг геополитик ўрни, моддий ресурслари ва имкониятлари хусусида бафурингина муайян тақдир экан, батифил ҳикоятга ўрин қолмади ҳисоб. Давлатимиз бошлиғи билан учрашган ишларнинг дегирли барчаси Ўзбекистон имкониятларидан яхши хабардор, энг муҳими, Ўзбекистонга қаттиқ ишонди ва ҳар қандай йирик лойиҳалар бўйича ҳам ҳамкорлик қилишга тайёр. Бизни беҳад хурсанд қилгани шунки, Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусий мулк ҳимоясини қўлайтириш ҳақидаги шу йил 21 январь фармонидаги довуригун юрбошимизнинг ўзидан олдинроқ йирик Швейцарияга етиб улгурган экан. Давос форуми гарчи иқтисодий мавзуда бўлса-да, бу ерда жуда кўп қўлбасиёсатчилар ҳам келишди. Президентимиз бу ерда Туркия Президентини Сулаймон Демирел, Қозғистон Президентини Нурсултон Назарбаев, Туркманистон Президентини Сапармурод Туркманбойи,

Понистон Бош вазири Беназир Бхутто, Россия Бош вазири Виктор Черномырдин, Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес билан суҳбатлади. Шунингдек, Давос Форуми доирасида Ислам Каримов дунёнинг энг йирик банклари ва фирмаларини бошлиқларини ҳам ўз қароргоҳида қабул қилди. Улар орасида Юнион Банк оф свитсерленд (ЮОБ) бошқари раиси Николас Сени, унинг муовини Карл Янгола, Европа тараққийат ва тикланиш банки бошлиғи Жак де Ларозьер ва унинг муовини Рональд Майкел Фриман, Европадаги бир қанча йирик компаниялар соҳибони Клаус Янубс, Швейцария телевиденисининг бизнес, савдо ва банк соҳалари бўйича директори Отто Хонеггер, машҳур «Креди свисс» банки раиси Райнер Гут ва бошқарув бор эди. Президентимиз билан учрашган вақти зинаратчи билан учрашма олган кишилар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Бундай кишиларга қарата Президентимиз катта матбуот конференциясида: «Ўзбекистонга келинлар, биз ҳам мангиз билан ҳалол ва тенг ҳамкорлик қилишга тайёрмиз», деди. Унинг тақдирини эрда қолмаслигига ишончли Давос аюкжумани ҳақида муфассалроқ ҳикоятимиз эса ҳали олдинда.

бажарувчи Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазири И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Мурзоқов ва А. Азизхўжаев, ташқи ишлар вазири С. Санжқосимов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ЎзА).

Мамлакатимиз Президентини 31 январь кунини Тошкентга қайтиб келди. Ислам Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Давос учрашувида Ўзбекистонга алоҳида эътибор берилганини таъкидлади. Бир қанча давлатлар раҳбарлари ва ишбилармонлар билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида коммунал хизмат соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўша корхоналар очиш, республикадаги мажбур хомашё ва табиий заҳи-

«ЭКОСАН» БИЛАН ТАНИШУВ

Халқаро «Экосан» ташиқоти республикамизда экология ва соғлиқни сақлаш борасида кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирги пайтда му-

тақил давлатлар ҳамдустлигига аъзо бўлган мамлакатларда ташиқотнинг 20 дан ортиқ бўлими мажбур. Давосда Россия Федерациясида ҳам унинг бўлимини очиб мўлжалланмоқда. «Экосан» Президентини Ю. Шодиметов Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги аъхо-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Мазлумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг йиқинда чиқарган «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида фуқароларнинг хусусий ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантириш бораси-

да бир қанча муайян чора-тадбирлар кўзда тутилган. Мазкур қарор фармоннинг 6-бандида кўрсатилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган бўлиб, гаров тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг асосий қондаларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ГАРОВ ҲАҚИДАГИ ШАРТНОМАЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ НИЗОМИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг «Гаров ҳақида»ги Қонунини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига гаров тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юксалини.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига Адлия вазирлиги билан биргаликда гаров ҳақидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш шартини ташкил этиш учун қўшимча 31 ишчи ўрни ажратиш масаласини ҳал қилиш. Булардан 3 ишчи ўрни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказий аппаратида, қолганлари Қоракалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, ви-

лоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги адлия бошқармаларига берилсин. Шунингдек, гаров ҳақидаги шартномаларни тасдиқлаш учун 59 давлат нотариуси лавозимини ажратилсин.

3. Гаров ҳақидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича муваққат низоми тасдиқлансин (низоми матни илова қилинади).
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддат мобайнида: гаров ҳақидаги шартномаларни нотариал тасдиқлаш тартибининг аниқлаш юридик ва жисмоний шахслар учун гаров ҳақидаги шартномаларни рўйхатга олинишига давлат реестрини амалга киритиш тартибининг ишлаб чиқилиш ва тасдиқлаш.
5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган 613 — XII қарори билан тасдиқланган 1-, 2-, 3-ўйхатларда қайд этилган корхона ва мулк турлари ҳамда гуруҳлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаро процессуал кодексига 1-иловада Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президентининг

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

(«Гаров ҳақидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги муваққат низоми»нинг 2-аъхисидида ўқийсиз).

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

2—5 февраль кунлари Вьетнам Социалистик Республикасининг ташқи ишлар вазири Нгуен Мань Кам расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир музокаралар ўтказилади.

ВЬЕТНАМ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ НГУЕН МАНЬ КАМ

1929 йил Нге Ан провинциясида, ичче оила-сида туғилди. 1946—1952 йиллари Вьетнам партия ташкилотларида фаолият кўрсатди. 1952 йилдан Ташқи ишлар вазирлигига ишга олдинди. 1962—1966 йиллари Вьетнамнинг Москвадаги элчихонаси биринчи котиби. 1966—1973 йиллари Ташқи ишлар вазирлиги-

1981—1987 йиллари ташқи савдо вазирлигининг ўринбосари. 1987—1991 йиллари Совет Иттифоқида элчи. 1991 йилда Вьетнам Социалистик Республикаси Миллий Кенгашининг VIII чақириқ 9 сессиясида ташқи ишлар вазири лавозимига сайланди. 1986—1993 йиллари Вьетнам Коммунистик партияси марказий қўмитаси аъзоси. 1993 йил декабрда Вьетнам Коммунистик партияси марказий қўмитасининг сиёсий бюросига аъзо этиб сайланди. Олий маълумотли, рус, француз ва инглиз тиллари билди. Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати.

ЎТТИЗ КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

ЯККАВОВ пахта тозалаш корхонаси маъмуриятининг ташаббуси билан бу ерда тикувчилик цехи ишга тушди. Цех учун мол айриб бошлаш аэвизига Японияда ишлаб чиқаришган тикув машиналари келтирилди. Ўттизга яқин чевар аёллар тикатган кийим-кечаклар биринчи галда пахта тозалаш корхонаси ишчи ва хизматчиларига таннархда сотилмоқда. П. ГАДОВЕВ.

ҚИСКА САТРАЛАРДА

ДАСТЕР ДАСТГОҲЛАР

КАСБИ тумани мад-дубот жамияти раҳбарлари ҳўл мева ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хесиб, қўриқадиган ускуналар сотиб олишди.

Улар ёрдамида сазовот, полна, ҳўл мева ва бошқа маҳсулотлардан консервлар ҳам тайёрланади. Ускунанинг қўлайлиги шунданки, истеъмолга яроқсиз деб топилган сабзи, пилёларни, несоди қўвинни нарчлаб, ёққи қилади. Урик, олма, шафтоли, беҳи сингари меваларни бир настада бўлакларга ажратиб, қўриқтади. Ярим тайёр маҳсулотлар

селофан халтачаларга жой-лашиб, сотиш учун савдо дўкнларига чиқарилади. Уй бекалари қимматли вақтларини беҳуда ўтказмай, ярим тайёр маҳсулотлардан овқат тайёрлаш учун қўриқадиган сазовот маҳсулотларидан фойдаланишлари мумкин.

Ж. КУСУПОВ.

САНОАТ:

ҚИШЛОҚГА ЙЎЛ

ХўЖАЙЛИ туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалигида шаҳардаги ип йиғириш ва тўзиш фабрикасининг тикиш цехи филиали очилди. Ушбу хўжаликда ишлайдиган 22 киши иш билан

таъминланди. Филиал февраль ойининг дастлабки кунларидан маҳсулот бера бошлади.

Ҳўл муҳбиримиз.

МАҚСАД—ДЎСТЛИКНИ

МУСТАҲКАМЛАШ

БҲУҚОРОДАГИ бир неча миллий-маданий марказлар қаторига таттар-бошқир маданият маркази қўшилди. МАРКАЗНИНГ асосий фаолияти — татар ва бош-

қирд миллатига мансуб аҳолининг тур-фодатлари, анъаналари, тил ва халқ амалий санъатини тиклаш ҳамда ўзбеклар билан биргаликда мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажакни яратишга ҳисса қўшишдан иборат.

Бундан ташқари миллий-маданият маркази татар ва бошқирларнинг Ўзбекистонда, қолаверса Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги мамлакатларида иш-ётган барча халқлар билан дўстлик ҳамда биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга қўмақлашди. Мамнон ОТАВОВ. «Халқ сўзи» муҳбири.



ҲАРБИЙ ҚУДРАТИ ОШАДИГАН БЎЛДИ

ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари маъмурияти Исроилга 20 та янги қирувчи-бомбардир Ф-15 самолёти сотишга аҳд қилди.

ВАЗИР РАД ЭТДИ

ПАРИЖ. Франция ички ишлар вазири Шарль Паскуа инсоният ҳуқуқлари бўлган гиеванд моддаларни тарқатишга қарши курашга қақирди.

«ЭЙЧ-2» МИЛЛИЙ КОСМОНАВТИКАНИНГ

ФАХРИ ДЕЙШАЯПТИ

ТОКИО. Япониянинг фазовий парвозни бошқарув марказида мамлакатда тайёрланган дастлабки ракетага учирини вақти белгилади.

ГЕНЕРАЛНИНГ МАШИНАСИ ХАРИДОРГИР ЭКАН

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина президенти Карлос Менем хавфсизлигини таъминлаш лозим бўлган кишиларнинг ўзлари жиноятнинг хавф-хатаридан ҳимояланган эканлар.

Тўғри, генералнинг ўзи таътилда бўлган, ҳайдовчиси эса машинани кўчада бир неча дақиқа қаровсиз қолдирган экан.

ТОМОНЛАР КЕЛИШИШ ОЛИШДИ

БЕЛГРАД. Серб-Хорват муносабатларининг барқарорлашуви жараёни давом этмоқда, деб хабар беради РАТА-ТАСС мухбири.

ЛОЙИҲА ҲАММАГА МАЪҚУЛ ТУШДИ

АНҚАРА. Тўрт араб давлати—Миср, Ироқ, Сурия ва Йордания билан Туркия ҳуқуқати вансёллари Бағдодда энергетика тизимини бирлаштириш ҳақидаги лойиҳани амалга ошириш ҳар бир давлат учун 300 миллион долларга тушади.

ҲАМКОРЛИККА ДАЪВАТ

ТЕҲРОН. Эрон Ислам Жумҳурияти президенти Акбар Хосейни Рафсанжоний Покистон раҳбарларини ҳамкорликка чақирди.

НЕФТНИНГ НАРХИ ОШАДИ

ПЕККИН. Хитой 1994 йилнинг охирида нефть маҳсулотлари нархини кескин кўтаришни режалаштирмоқда.

ҚОЗОҒИСТОНГА ҚАРЗ БЕРИЛАДИ

Халқаро валюта фонди раҳбарияти 1994 йилга мўлжалланган иқтисодий ва молиявий ислохотлар дастурини амалга ошириш учун Қозоғистонга 255 миң доллар маблағ акретияш фидоини маъқуллади.

ТАТАРИСТОН РАҲБАРИАТИНИНГ САФАРИ

Президент Минтемир Шаймиев бошчилигидаги Татаристон ҳукумат делегациясининг Испанияга сафари ливанланд. Делегация Мадрид минтақавий муқор ҳужумати, савдо-санъат палатаси ва ишбилармонлари таъ. фи билан бу мамлакатга борган эди.

АРМАНИСТОНДАГИ ОГИР ВАЗИЯТ

Арманистон статистика маъмуриятининг маълумотиға қараганда, кейинги йилларда бу ерда аҳолининг табиий ўсиши кескин камайиб кетган.

гариллар ўз кучини йўқотди.

16. Қардор ипотека таъминлаган мажбуриятларни ижро қилиш пайтида гаровга қўювчининг талаби билан гаровга олунчи ипотекани рўйхатдан ўтказадиган адиля органига реестрга киритилиши қарор қилинди.

17. Гаровни рўйхатдан олган адиля органи гаров таъминлаган мажбуриятлар тўла ёки қисман бажарилгани ҳақидаги нотариал тасдиқлаш ҳужжатини ёки гаровга қўювчи гаровга қўйилган буюм ёки мулкка эга эмаслиги тўла ҳужжатини эгаллиги ёки долзарб бошқарув ҳуқуқи ҳақидаги хабарни олганда, бу ҳақда дарҳол тегишли органларга хабар беришга ва реестрга ёзиб қўйишга мажбур.

18. Манфаатдор шахс рўйхатдан ўтказиш рад қилинган ёки гаровни гафироқнувий рўйхатдан ўтказилганда мазкур рўйхатдан ўтказувчи органи жойлашган ҳудуддаги судга мурожаат қилишга ҳақли.

19. Гаровни рўйхатдан ўтказган адиля органи манфаатдор шахсларнинг талабига бинан талаб тушганидан бошлаб икки ҳафталик муддат ичида уларга тегишли юридик ёки жисмоний шахс — тадбиркорнинг мулкига оид гаровларни рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги ҳужжатдан қўчирилма юборади.

20. Манфаатдор шахс гаровни давлат рўйхатдан ўтказиш реестридан қўчирилган жисмоний ёки юридик шахс ҳақида ёзма суғлашганда давлат божни тўлашга тегишли тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишга мажбур.

НИЗОМ

Хорижий юридик ва жисмоний шахслар иштирок этган гаров ҳақидаги шартномаларни давлат рўйхатдан ўтказиш, гаров ҳақидаги шартнома қиймаатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Адиля вазирлиги томонидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров ҳақидаги Қонуни» мувофиқи гаров ҳақидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш:

а) гаров усури Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қўчмас мулк бўлган тақдирда;

б) гаров усури Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қўчмас мулкка ҳуқуқ бўлган тақдирда;

в) обротдаги ва қайта ишлаш жараёнидаги молларни гаровга қўйиш ҳақида шартнома тузган гаровга қўювчи Ўзбекистон Республикасида таъсис қилинган турар жойга ва асосий фаолият жойига эга бўлган тақдирда;

г) гаров усури Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларнинг ёки Ўзбекистон Республикасида бўлган давлатларда таъсис қилинган шахсларнинг хорижий юридик шахсларнинг, ёки қароргоҳи Ўзбекистон Республикасида бўлган давлатларда таъсис қилинган шахсларнинг ҳуқуқий деб ҳисобланмайдиган.

4. Юридик ва жисмоний шахслар ўртасида 300 миллион сўмдан тўзган гаров ҳақидаги шартнома Қоракалпоғистон Республикаси Адиля вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг адиля бошқармаларида — гаров ҳақидаги шартномани давлат рўйхатдан ўтказиш секторлари томонидан, 300 миллион сўмдан ортиқ бўлган тақдирда эса, Ўзбекистон Республикаси Адиля вазирлигида — гаров ҳақидаги шартномани давлат рўйхатдан ўтказиш бўлими томонидан рўйхатдан олинилади.

д) гаровга қўювчининг ҳақ-ҳуқуқлари ва гаров усурининг таъсирини.

Агар гаров усури гаровга қўювчи томонидан келажакда олинадиган бўлса, у олинчи лозим бўлган муддат кўрсатилади.

10. Қоракалпоғистон Республикаси Адиля вазирлиги ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг адиля бошқармалари маълум тартибда жорий этилган рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини икки аусхада тўдириб, Ўзбекистон Республикаси Адиля вазирлигининг рўйхатдан ўтказилган гаров шартномалари ҳақидаги маълумотлар банкка киритиб қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Адиля вазирлигига юборади.

Гаров шартномаси ижро қилинганда, қисман ижро қилинганда, муддати узайтирилганда ёки гаров шартномасини рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги ёзув ўз кучини йўқотганда шартномани рўйхатдан ўтказган адиля органи рўйхатдан ўтказилган гаров шартномалари ҳақидаги маълумотлар банкка киритиб қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Адиля вазирлигига хабар беради.

11. Гаров ҳақидаги шартномани рўйхатдан ўтказган адиля органи ариза берувчи шахсининг талабига бинан гаров таъминлаган мажбуриятлар ҳақидаги таъсирини, рўйхатдан ўтказиш ёзувини амалга ошириш кучи, вақти ва рўйхат рақами кўрсатилган рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги гувоҳнома беради.

12. Маддасидан келиб чиқадиган гаровнинг пайдо бўлиши:

а) гаровга қўювчи (гаровга қўювчилар) ва гаровга олунчи (гаровга олунчиларнинг) ном ва манзилгоҳи;

б) гаров ҳақидаги шартномани тузиш ва кучга киририш вақти ёки Ўзбекистон Республикасининг «Гаров ҳақидаги Қонуни»нинг 12-моддасидан келиб чиқадиган гаровнинг пайдо бўлиши;

в) гаров таъминлайдиган мажбуриятлар ҳақида;

г) гаров усурининг қисқача тасвири.

12. Гаровни рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги ҳужжат беш йил давомида кўчада турди ва гаров таъминлаган мажбуриятлар бажарилганига қадар навбатдаги беш йиллик ёки бу мажбуриятлар кўчи тўхтайдиган муддатга узайтирилиши мумкин.

13. Гаровни рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги ҳужжат муддати судда қардорнинг (гаровга қўювчининг) қорхонасини тутатиш ҳақидаги иш қўзғалиш пайтида туғайдиган бўлса, унинг кучи қорхона тутатилганидан кейин 60 кун давомида ва қорхонани тутатиш бўйича ўрнатилган муддат туғайдиган қадар сақланиб қолади.

14. Гаровни рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги ҳужжат муддатини узайтириш ҳақидаги ариза рўйхатдан ўтказишнинг мазкур низомининг 12-бандида белгилаган беш йиллик муддати туғайдиган вақтда 6 ой қолганда берилиши керак.

Гаровни рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги ҳужжат муддатини узайтириш ҳақидаги ариза юқорида кўрсатилган муддат ичида берилмаган бўлса, рўйхатдан ўтказилган адиля органи ҳужжатнинг кучи туғайдиган муддат ўтиб бўлиши билан давлат реестридаги гаров ҳақидаги ёзувини бекор қилади.

15. Ипотека таъминлаган мажбуриятлар мазмунини ўзгартириш, шунингдек, ипотека усури бўлиши мулк ҳуқуқи (тўла ҳужжатини эгаллиги ёки долзарб бошқарув ҳуқуқи) гаровга қўювчининг бошқа шахсга ўтган тақдирда мазкур низомининг 5-бандида кўрсатилган тартибда шартнома қўйишга рўйхатдан ўтказилди. Бу талаб бузилган ҳолларда мажбуриятларда кўрсатилган ўз-

ИСТИҚБОЛ УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатдир.

У республикада амалга ошириладиган туб иқтисодий ислохотлар ижросини таъминлашда, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу Фармон қабул қилинганда, кўчма мулкчилик ва тадбиркорликнинг қўлланган ҳақидаги маълумотларни давлат рўйхатдан ўтказиш бўлими томонидан таъминлаш талабига асосланган ҳолда, қўйиладиган маълумотларнинг аниқлиги ва ҳақиқатлиги ҳақидаги ҳужжат-

ни) талаб қилмаган ҳолда, танлов асосида хусусий мулк қилиб сотишга руҳсат берилади. Бошқача айтганда, республикада яшовчи ҳар бир фуқаро ёки хорижий шахслар ўзларининг маблағига савдо ва хизмат кўрсатиш қорхоналарини хусусий мулк сифатида харид қилишларига кенг йўл очилди.

Мазкур ҳужжатда мамлакат ички истеъмол бозорини санъат ва озиқ-овқат моллари билан тўлдириб, шунингдек, чет давлатлардан маҳсулот ёки хом ашё олиб, иелувчи тадбиркорларни бутун қоралар билан қўллаб-қувватлаб, уларга тегишли гаров ва мафولات шарти билан миллий ва чет эл валютасида кредит бериш белгилаш қўйилганлиги ҳам аниқ муқарраблиқ билан белгилаш қўйилди. Шунингдек, қўйилди бу тадбирларда республика ички бозорига тез орада санъат, озиқ-овқат маҳсулотлари янада кўпайиб, нарх-наво кескин пасаяди.

Қ. ҚАРШЕВ, Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошқаруви биринчи ўринбосари.

ҲОКИМЛАР ҲИСОБ БЕРМОҚДА

Қоракалпоғистон Республикаси туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари ўзларининг ўтган йилги иш фаолиятлари ақулар ҳақида республика Олий Кенгашига ҳисоб бера бошладилар.

Ҳокимларнинг ҳисоботи уларнинг тегишли ҳудудлардаги барча жаҳалларда йил давомида юритган иш фаолиятларини бутунлай қамраб олади. Айниқса, уларнинг туман ва шаҳар-

ларда итисодий ҳамда ижтимоий ислохотларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси ва Қоракалпоғистон Республикасининг Қонуниларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Қоракалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг Фармонлари ва фармойишларини, юқори таъинотларнинг қарорлари ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятлари чуқур таҳлил қилиниб, баҳоланмоқда.

Ҳисоботларни тинглаб, муҳоима қилиш ҳамда улар

Рустамжон Қодиров узоқ йиллар Боғдоқ туманидаги «Боғдоқ» жамоа ҳўжлаганда ижро бўлиб шлаганди. Ишинг қўзини яхши билгани учун уни туман сув ҳўжаллиги бошқармасига чақирди. Шундан сўнг сув тақсимотдаги тартибсизликлар барҳат топди. Яқинда «Боғдоқ» жамоа ҳўжаллиги меҳнатчилари уни бошқарув раислигига сайлашди.

СУРАТДА: Р. Қодиров эскиваторчи Ш. Жамолиддинов билан.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

юзасидан тегишли қарорлар қабул қилишда Қоракалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси ва унинг ўринбосари, Республика Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда унинг муовинлари, вазирлар, Олий Кенгаш ва давлат комитетларининг раислари иштирок этмоқдалар.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДАВЛАТГА БОҚИМАНДА БЎЛМАЙМИЗ

ноғиронлар бор. Улар ишга қатъий олмайдилар. Шу сабабли уйда меҳнат қилишга шартно яратганимиз. Дастоҳ, хомашени етказиб бериб, маҳсулотни уйларида қабул қиламиз. Касаначилар ҳам қорхона ишчилари билан тенг ҳуқуққа эга. Тоби қўчса, касаллик варақасига бинан нафана олади, боласини боғчага, оромгоҳга жойлаш, меҳнат таътилида сийҳатгоҳга боринига иштироқ қилишга мажбур бўлади.

Корхонада касалчилар сафи кенгаймоқда. Кўп болалар келлар, ногиронлар давлат нафақасига кўз тикиб ўтирмай, имкон даражасида ишлаб, даромад топтомоқда.

Бозор муносабатига ўтишли нинга яроқли ҳар бир фуқарони меҳнат қилишга ундаётди. Хатто олий ва ўрта махсус ўқув юрталарининг асарият талабалари стипендияни, ота-онасининг ерданини кутмай, дарсдан буш вақтда қобилиятга яраша ишлаб, даромадга эга бўлмоқда. Тошкент тўқимачилик ва энгил санъат, кимчилик институтида талабаларга атай икки қорхоналар, цехлар ташкил

этилган. Бу каби ташаббусли ҳар бир ўқув юртида амалга оширилса мақсада мувофиқ бўларди.

Афсуски, ҳаёда давлатга боқиманда бўлиб, ҳукумат берганига кўз тикиб, умр ўтказмайдиганлар ҳам бор. Ундайлар янаш оғирлашиб кетди, ҳамма нарса қимматлашди, деб нолишини ёқтиради. Давлат хазинасини тўзсиз, туғанмас эмас. Етис есанг, ҳатто олтиндан тоғинг бўлса ҳам чидамайди, деган нақилни унутмади, ишга эса бўйин ёр бермайди.

Бозор итисодийети муносабатига ўтишлини фуқаронинг эркин, мустанғил ишлашига имкон яратди. Ҳукумат қўлингиздан келса, тадбиркор бўлинг, мустанғил қорхона очинг, демоқда. Яқин вақтгача ишбилармон, хусусий мулк эгаси деган сўзлар салбий маънода ишлатилган эди. Эндиликда одамларнинг мустанғил меҳнат қилиб, маҳсулот ишлаб чиқариши, хоҳлаганча ҳалол даромад топишига йўл очилди.

Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонуничи Президент фармонлари фуқаролар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш

нинг ҳуқуқий асосини ташкил этди.

Хуллас, тўрт мучал соғ бўла туриб, ноҷор яшаб ўти саналадиган даврга келдик.

Электр қувватисиз ҳаётни тасаввур этиш қийин. Унинг бир қиловатини ишлаб чиқариш ўн сўмга тушади. Республика Президенти Фармонига кўра имтиёзга эга бўлганлардан ташқари ҳамма бир хил — тўрт сўм тулайди. Жамоат транспортида юриш давлат биз бераётган йўқлардан анча қимматлидир. Коммунал хизмат ҳам шундай. Озиқ-овқат маҳсулотни айрим турлари тадбиркордан арзон сотилмоқда. Ўртадаги фарқ давлат хазинасидан қопланмоқда.

Демак, давлат дотациясидан ҳамма, ҳатто, бой-бадавлат кишилар ҳам бирдай баҳраманд бўлмоқда. Дунининг ривожланиши мамлакатларидан ҳудудай эмас, балки муҳофаза аниқ йўналтилади.

Республика Президенти аҳолини ижтимоий ҳимоялаш усулини тубдан ўзгар-

ЖУМҲУРИЯТДА

БИРИНЧИ

Ҳаётдаги етишмовчиликлар, турли инчириклар инсон саломатлигини ҳам четлаб ўтмаётди. Буни асаб касалликларига чалинаётган кишилар сонининг кўпайишидан ҳам кўриш мумкин.

Вилоят марказида айни шу аҳвол ҳисобга олинган ҳолда асаб касалликларини даволаш диспансери очилди. Бу жумҳуриятдаги биринчи ана шундай шифохона ҳисобланади.

Шифохонада бирданга 60 нафар бемор даволанади. Даволаш муддати деярли бир ой қилиб белгилашган. Диспансерида икки нафар даволаш ва гипноз кабинетлари ишлаб турибди. Даволашда шифобахш сув ва гиёҳлардан фойдаланилади.

У. УСМОН, Ҳўжаид.

Ислохот одимлари

Касалхоналардан бирининг бўлим мудири Олимжон товўқхожа кирди. Паррандага дон-дун ташлайди, кейин у ердан тўқум тўла чалак билан чиқади. Кўп қаватли уйда яшовчи шифокор оиласи кунинга йигирматага етказиб тўқум олади. У бун вақтинги эрдан кечгача телевизор ёнида ёнбошлаб ўтказмайди, айрим хоним ва жанобларга ўхшаб, ашқадий келадиган итни хёбон ора савр қилдириб юрмайди.

Термиз туман «Жайронхона» шифокор насалхонаси бўлим мудири Аъзам Юсуфов билан учрашди. Баъзан кишлоқ зиёлисининг турмуши оғир дейишди, — деди у. Оқинча жисмоний соғ, меҳнатчан одам кишлоқда яхши яшаётди. Масалан, мен асосий ишдан ташқари дехқончилик билан шуғуллашаман. Ҳар йили 2—3 тонна пиев, картошка ештиришаман. Богдан ҳам яхши ҳўсал оламан. Шифокору ўқитувчи ҳамюртларининг асарияти шундай яшади. Аммо биз асосий насбимиз бўйича ишнинг сира унутганимиз йўқ.

Тошкентдаги «Садаф» ишлаб чиқариш бирламасининг раиси Ҳабиба Аҳмедова бундай дейди.

Жамоамиз аъзолари орасида 100 нафардан зиёд серфарзанд она бекалари.

Таворихимиз зарварақлари

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ТОЖИРЛИК, УЛУФА ВА СОЛИҚ ИШЛАРИ



Темур давлатни бошқаришда ўзига хос мактаб яратган. Соҳибқирон Девони бузург (бош вазир)дан ташқари, ҳар бир вилоятда Девоин дейилувчи бошқарма бўлган. У давлатнинг буткул ишларини солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, иқтисомий бинолар — бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, сув иншоотлари тармоқларини назорат қиларди. Халқнинг хулқу ахлоқини кузатиб турарди. Унинг ҳодимлари вақт-вақт билан сўроқ, текшириш тафтиш, терков ишларини ҳам олиб боришарди. Темур салтанатини идора қилиш учун турли вазирлар фаолият кўрсатган. Шундай вазирлардан биринчиси — ер солиқлар, боқ, ўлпон-солиқ ундириш, ҳамда миришабдин юмушларини бошқарган, мамлакатда муҳим ишларни, кундалик муаммоларни, раият аҳолини вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ, ўлпонларни тақсимлаган; иккинчи вазир сипоҳ вазирни ҳисоблаб, сипоҳийларнинг маошлари ва таъноҳ (бу ерда тоқу тахт учун қилган хизматлари эвазига берилган интизом маъносида)ларини бошқарган; учинчи вазир эса эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочқанларга тегишли молларни, келиб қолган моллардан олинадиган закот ва боқларни, мамлакат чор-барисини бошқариб, буларнинг барчасидан тўплаган даромадларини омонат тарихда сақлаган. Агар гоийб бўлганлар ва вафот этганларнинг мол-мулкни бўлса, уларни ўз меросқўрларига топширган; тўртинчи вазир салтанат ишларини юритувчи вазир бўлиб у салтанатдаги жами идораларнинг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган харажат, ҳатто отхона ва саройдаги бошқа жонотларга қилинган харажатлардан оғоҳ бўлиб борган. Вазирлар девонбегига бўйсунган.

Суурғол эгаси солиқдан озод қилинган. Бундай ер эгалари деҳқонларни ишлатиб, ер солиғи — хирож олганлар; 2) Хархон ерлар. Бу ерлар хусусий мулк бўлиб, улар одамларга бирон бир хизмати учун берилган. 3) Ушр ерлар. Сайид ва хўжаларга мансуб ерлардир. Бунда олинган ҳосилнинг ўндан бир қисми давлатга берилган; 4) Вақф ерлар. Масжид, мадраса, хонақоҳ, мазор ва шу сингари жойларга доир ерлардир. Вақфда ер сув, бозор, қул, пуллар ва бошқалар мол-мулкни билан нийом этилган. Мана, Амир Темурнинг Ахмед Ясавий учун вақфнома катта аҳамиятга эга. Ахмед Ясавий ва бошқа аждодлар, дин пешволарининг қадрларини, мақбарага қабрлардан маблағ ажратилган; 5) Аскарларга, аскарларнинг раҳбарларига берилган ерлар. Кимдаси бирон саҳронини овод қилса, ёки қориз (ер ости сувларини тортиб чиқариш учун қурилган нишоот) курсэ ё бирон бог қуришга, ёхуд бирон хароб этган жойини овод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмаганлар. Иккинчи йили раият ўз розлиғи билан бергани олинган. Учтинчи йили эса солиқ қонун-қондасига мувофиқ хирож йиғилган. Катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар буюқ қилиниш, фануру мискиларга пангархона (йўловчилар қўлиб ўтадиган, камбағал етим-есирга оқват бериладиган жой, Гарибхона) қуриши, касаллар учун шифохона бунёд этилиши ва уларда ишлаш учун табиблар тайинлаши буюрган эди.

Мулки даромадидан нафд пул ҳисобда олинган. Мингбошиларга вилоят ичидати ерлардан тиол (хирож ва солиқ йиғиб олиш ҳақи билан нийом этилган ер-мулк)лардан берилган. Амрлар ва амир ул-умароларга вилоятлардан бири тиол этиб белгиланган. Темур вилоятлардан тушган даромадларни тақсимлаш ҳақида шундай деган эди: «Вилоятлар ва мамлакатлардан олинган жами даромадни тақсимлаб, мош берини ёрликларига бирига кам, бирига ортиқ қилиб ёсинлар. Сўнг ёрликлар девонхонага келтирилсин. Амрлар мингбошилар шу ёрликлардан бирини чиқариб олсин».

лар. Агар галаба қозонсам, Самарқанднинг бир йиллик хирожини уларга назр қилишга қарор қилдим».— дейди.

Маълумки, хирож — ер солиғи учун ва умуман даромад солиғи учун қўлланилган истилоҳ. Айрим ҳолда даромаднинг учдан бирини ташкил этган. Шунингдек, хирожни «мол» ҳам деб атаган. Раиятга ҳақ-ноҳақ жарималар солувчи вазир салтанатни хароб қилди, деган эди.

Муруватли жаҳонгир: «Кимки менинг хизматимни қилган бўлса, хизмат ҳақини адо этдим. Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайнлар, қўни-қўшилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, молу мулк ва нафд пул билан ҳақларини ато этдим».— дейди. Шунингдек, у амирлар ва сипоҳийларни мартаба ва унвонлар, зару зерварлар билан ҳўшўд этган. Базмларда ўз ёнидан жой берган, хуллас, уларнинг жанглардаги қаҳрамонлиқларини ҳеч вақт унутмаган. Соҳибқирон хайр-аҳсон ишлари билан одамлар қўнғилдан жой олган.

Сипоҳ ва раиятга бир қўз билан қараб, баҳоқилар, довароқларга махус фахрли ўтоға (бош кийимга тақилдиган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнатли белги), камар ва тарнаш (садоқ-ўқон) тақдим этиб, мартабаларини янада юқори кўтартирди. Ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улугларини, бошиқ-оқсоқолларини қадрлаган. Уларга совғасаломлар бериб, хизматларидан фойдаланди. Сипоҳийларнинг ҳамшира жангга тайёр турлиларни, учун, олий ҳақларини сўраттирмай вақтда берди. Сармоя қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли микдорда олтин берилган. У вақтларда бозор аҳлидан солиқ олиш қалъа бошиғи эгаси жогирдорнинг фуқароларга зулм этказмасин учун уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб, йиғилган бутун мол-ашёларни кирим дафтарида ёзган. Иккинчиси, даромаднинг харж этилган қисмини чиқим дафтарида ёзиб, йиғилган моллардан сипоҳийларнинг маошига тақсим қилган. Амур Темур бу ишлар ҳақида яна қуйидагиларни ёзган: «Қайси амрларга тиол берилар экан, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйинлар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб қўрсиналар. Агар мамлакат овод, раият рози экан, шу ҳолча қолдирсинлар. Агар аҳвол улдуфа ва бир вилоят эгаси бўлса, Набиралар ҳам уч мингдан етти минггача олтиққа улдуфа ва бир вилоят олдидлар».

Мурод Мирзо АХМАДҚОРИ ўғли.

ЭЪЛОНЛАР

Т. Н. ҚОРИ НИЕЗИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ КОНТРАКТ ТИЗИМИГА УТИШ МУНОСАБИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАР БУЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«ПЕДАГОГИКА ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФҚУРАСИ» бўлимига: бўлим бошлиғи (педагогика ёки фалсафа фанлари доктори — 1); бош илмий ходим (педагогика ёки фалсафа фанлари доктори — 1); етакчи илмий ходим (педагогика ёки фалсафа фанлари доктори — 1); катта илмий ходим (педагогика фанлари номзоди — 6).

«ПСИХОЛОГИЯ ВА ДЕФЕКТОЛОГИЯ» бўлимига: бўлим бошлиғи (психология ёки педагогика фанлари доктори — 1); етакчи илмий ходим (педагогика ёки психология фанлари доктори — 1); катта илмий ходим (педагогика ёки психология фанлари номзоди — 2); илмий ходим (олий маълумотли — 1).

«ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУСИҚА ТАЪЛИМИ» бўлимига: бўлим бошлиғи (санъатшунослик ёки педагогика фанлари доктори — 1); катта илмий ходим (педагогика ёки санъатшунослик фанлари номзоди — 2).

«МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ» бўлимига: бўлим бошлиғи (педагогика ёки психология фанлари доктори — 1); катта илмий ходим (педагогика фанлари номзоди — 2).

«БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ» бўлимига: бўлим бошлиғи (педагогика фанлари доктори — 1); етакчи илмий ходим (педагогика фанлари доктори — 1); катта илмий ходим (педагогика фанлари номзоди — 2).

«ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЕТИ ТАЪЛИМИ» бўлимига: бўлим бошлиғи (педагогика ёки филология фанлари доктори — 1); катта илмий ходим (педагогика ёки филология фанлари номзоди — 5); илмий ходим — 2; кичик илмий ходим — 1.

«ТАРИХ ТАЪЛИМИ» бўлимига: бўлим бошлиғи (тарих ёки педагогика фанлари доктори — 1); етакчи илмий ходим (тарих ёки педагогика фанлари доктори — 1); катта илмий ходим (тарих ёки педагогика фанлари номзоди — 1).

«ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ВА АДАБИЕТИ ТАЪЛИМИ» бўлимига: бўлим бошлиғи (педагогика ёки филология фанлари доктори. Хорижий тиллардан мутахассис бўлиши шарт — 1); катта илмий ходим (филология ёки педагогика фанлари номзоди — 6); шу жумладан, инглиз тили — 2; рус тили — 2; немис тили — 1; форс ёки араб тили мутахассисларидан — 1); кичик илмий ходим (олий маълумотли — 1).

«ФИЗИКА ВА АСТРОНОМИЯ ТАЪЛИМИ» бўлимига: бўлим бошлиғи (педагогика ёки физика-математика фанлари доктори — 1); етакчи илмий ходим (педагогика ёки физика-математика фанлари доктори — 1); катта илмий ходим (педагогика ёки физика-математика фанлари номзоди — 2); илмий ходим — 1.

«МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ТАЪЛИМИ» бўлимига: бўлим бошлиғи (педагогика ёки физика-математика ёки техника фанлари доктори — 1); етакчи илмий ходим (педагогика ёки физика-математика ёки техника фанлари доктори — 1); катта илмий ходим (педагогика фанлари ёки физика-математика фанлари номзоди — 2); кичик илмий ходим — 1.

«СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА ЖИСМОНИЙ ТАЪЛИМ» бўлимига: бўлим бошлиғи (педагогика ёки биология ёки география ёки кимё фанлари доктори — 1); катта илмий ходим (педагогика, биология, география, кимё фанлари номзоди — 4); Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 20 кун муддат ичда қабул қилинади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент — 66. Олмазор кўчаси, 174-уй, 29-хона. Телефонлар: 45-66-45, 45-68-45, 45-62-42, 45-64-46.

Тошкент медицина институтини томонидан 1972 йил 30 июлда Далимова Нодира Субутайна номида берилган Я № 967132 рақамли 23815 рақами билан қайд этилган диплом йўқоқлигини муносабати билан бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг жамоаси республика Президентининг ёрдамчиси Георгий Алексеевич Крайновга рафиқаси Галина Владимировна КРАЙНОВАнинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi «Ўзметвасабазотузусласаноат» концернин раҳбарияти ва жамоаси концернининг масъул ходими Шодикул Ҳўнабоева ўғли ДИЛМУРОТЖОНнинг бевафот вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Иқтисомий таъминот вазирлиғи Самарқанд вилоят иқтисомий таъминот бошқармаси бошлиғи Шуккуровага отаси АВДУЛЛАЕВ Шуккурнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва ақинларига чуқур таъзия билдиради.

Спорт, спорт, спорт

«НЕФТЧИ» ЯРИМ ФИНАЛДА

ФАРҒОНАНИНГ «Нефтчи» футбол жамоаси МДХ мамлакатларининг чемпиони турнирини муваффақиятли бошлади. Ҳамюртларимиз биринчи турда Қирғизистон чемпиони «Олга»ни 6:9 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бу ушбу турда қайд қилинган энг йирик ҳисобдир.

ЭРОНЛИКЛАР ФУТБОЛИМИЗГА ТАН БЕРИШДИ

БУХОРОНИНГ «Нурафшон» футбол клуби Эронда 16 кун бўлиб, тўртта ўртоқсин учрашуви ўтказди. Ҳамюртларимиз учта учрашувда галаба қозониб, бир ўйинни дуран билан яқинлаштиди. Мағлубиятга учраганлар орасида мамлакатнинг профессионал клуби «Гатч» ҳам бор. «Нурафшон» бу жамоа дарвозасига иккита жағобсиз тўп киритишга муваффақ бўлди. Умуман олганда эронлик мухлислар «Нурафшон»ни катта қизиқиш билан қарши олишди. Вухорликлар иштирокидаги ҳамма учрашувларда ўйингоҳ томошабинлар билан лиммо-лям тўлди. Мутахассислар эса «Нурафшон»нинг етакчи ўйинчилари — Ойбек Усмоҳқужаев, Олим Тиллаев, Азамат Отаев билан қизиқишди. Уларини Эронда тўп суришга таклиф қилишди. Бу Ўзбекистон футболнинг маърифат баландлиғи ва у ривожланишининг тўғри йўлидан бо рафтганлигидан далолатдир.

Халқ сўзи
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

«Асат» (Павлодар) — 1:0, «Ситора» (Душанбе) — «Қорабоғ» (Агдам) — 0:4. Иккинчи турда «Нефтчи» Минскнинг «Динамо» клубини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Энди ҳамюртларимиз ярим финалда Тбилиснинг «Динамо» жамоасига қарши майдонга чиқишди.

ХУВОСИ РАСУЛОВ. Асака тумани маданият уйи методисти Азияжон Мўминов саяхатга меҳр қўйсаларди. Яқинда у вилоят акиахон хонадонида кўрик-ташвиҳда қатнашиб голиб бўлди. Шу кунларда Азияжон ҳамкасблари билан чорвадорлар, нахтакорлар ҳузурда томошалар уюштиривати.



Асияжон Мўминов ва ҳамкасблари билан чорвадорлар, нахтакорлар ҳузурда томошалар уюштиривати.

Бош муҳаррир: Анвар ЖҲРАБОВЕВ
ТАҲРИР ҲАЯЪАТИ: Абдунаби БОЯҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОХИДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пирмақпун ҚОДИРОВ, Мухаммадҷон ҚОРАБОВЕВ, Саидхоро ҒУЛОМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Бойқўзиев, навбатчи — М. Холматова.